АРХИТЕКТУРА, ДИЗАЙН И ИСТОРИЯ ИСКУССТВ

ТОШКЕНТ МОДЕРНИЗМИ: ПАЙДО БЎЛИШИ ОМИЛЛАРИ, ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев Шуҳрат Неъматович – катта ўқитувчиси
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти (Тошкент, Ўзбекистон)

Аннотация. *Мақолада 1960-1980 йиллар Тошкент меъморчилиги, хусусан совет модернизмининг пайдо бўлиши асослари, у таянган негизлар ҳақида фикр юритилади. Уларни бугунги кунда сақлаб қолиш масалаларига алоҳида тўхталинади. Ушбу мақола Тошкент модернизми ҳақида умумий тасаввур беради ҳамда чуқурроқ ўрганиш учун қўшимча тадқиқотларнинг долзарблигини белгилайди.*

Калит сўзлар: *Тошкент меъморчилиги, сейсмик меъморчилик, совет модернизми, темир-бетон конструкциялар, Венадаги меъморчилик кўргазмаси, 1966 йил Тошкентдаги зилзила.*

ТАШКЕНТСКИЙ МОДЕРНИЗМ: ФАКТОРЫ АКТУАЛЬНОСТИ, ХАРАКТЕРИСТИКИ И ПРОБЛЕМЫ СОХРАНЕНИЯ

Абдуллаев Шухрат Нематович – старший преподаватель
Национальный институт художеств и дизайна им. К. Бегзода. (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *В статье рассматриваются архитектура Ташкента 1960-1980-х годов, в частности, основы возникновения советского модернизма и основы, на которых он опирался. Особое внимание будет уделено вопросам их сохранения в настоящее время. Эта статья дает общее представление о ташкентском модернизме и определяет актуальность дальнейших исследований для более глубокого изучения.*

Ключевые слова: *Ташкентская архитектура, сейсмическая архитектура, советский модернизм, железобетонные конструкции, архитектурная выставка в Вене, землетрясение 1966 года в Ташкенте.*

TASHKENT MODERNISM: FACTORS OF EMERGENCY, CHARACTERISTICS AND ISSUES OF PRESERVATION

Abdullaev Shukhrat Nematovich – senior teacher
National institute Fine arts and Design after named Kamoliddin Behzod (Tashkent, Uzbekistan)

Annotatsion. *The article examines the architecture of Tashkent in the 1960s-1980s, particularly the foundations of Soviet modernism's emergence and the foundations upon which it relied. Special attention will be paid to the issues of their preservation at present. This article provides a general overview of Tashkent modernism and determines the relevance of further research for deeper study.*

Keywords: *Tashkent architecture, seismic architecture, Soviet modernism, reinforced concrete structures, architectural exhibition in Vienna, 1966 earthquake in Tashkent.*

Тошкент модернизми меъморчиликдаги ноёб ҳодиса бўлиб, унинг гуллаб-яшнаши 1960-1980 йилларга тўғри келади. 1966-йилги вайронкор зилзиладан кейин Ўзбекистон пойтахтида пайдо бўлган бу услуб Совет Иттифоқининг иқлим шароитлари, маданий анъаналари ва мафкуравий талабларига таъсир кўрсатадиган умумжаҳон модернистик тенденцияларининг инқилобий йўналишини ифодалайди. Айтиш мумкинки совет модернизмига қизиқиш француз фотографи, Citizen журналининг бош муҳаррири Фредерик Шобен томонидан бошланган. 2003 йилдан бошлаб то 2010 йилга қадар у ўн учта собиқ совет иттифоқи республикаларини айланиб чиқиб 90 та футуристик иншоотларнинг суратларидан иборат альбом нашр этади. У ўзининг лойиҳасини “СССР” деб номлайди, аммо унинг аббревиатураси мутлоқ янги маънога эга эди - Cosmic Communist Constructions Photographed. Шобен шу орқали биринчилардан бўлиб вақт ўтиб совет модернизми экзотикага айланиб қолганига аҳамият қаратади. Унинг альбомида бетон саройлар, мехмонхоналар ва театрлар қадимги тамаддун харобаларини ёдга солади. Ҳаттоки қаровсиз ва эгасиз ҳолатда ҳам улар ҳамон улуғворлик ва маҳобатлилик туйғусини уйғотади.

Фредерик Шобеннинг альбомни ғайриоддий тақдимоти жаҳон меъморларини авваллари номаълум бўлган совет архтектурасидаги ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратишга мажбур қилди. Шунингдек, 2012 йилда Венадаги

меъморчилик кўргазмаси “Совет модернизми 1955 – 1991. Номаълум тарих” деб номланиб, модернизмни постсовет маконининг медияли образига айлантирди. Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги совет модернизми қўҳна шаҳарлар ва ўрта асрлар иншоотлари каби хорижий мутахассис ва туристлар эътибори марказида ва ўзига хос туристик жозибадорлик касб этган.

Бу жараённинг ижобий томонлари ҳам бор. Шундай қилиб, бир неча ўн йиллик эътиборсизлик ва вайронагарчиликдан сўнг, модернизм яна умумий маданий мероснинг бир қисми сифатида тан олинди. Фаоллар, блогерлар, ўлкашунослар маданият сиёсатига таъсир ўтказа бошладилар, баъзи модернистик бинолар қўриқланадиган ёдгорликлар республика рўйхатига киритилди. Шунингдек, сўнгги йилларда Тошкент модернизмига бағишланган кўргазмалар, кураторлик лойиҳалари ва илмий доираларда суҳбатлар ўтказилмоқда.

Тошкент модернизми шунчаки меъморчилик эмас, балки бутун бир даврнинг орзу-умидларини акс эттирувчи бетон, шиша ва мозаикада мужассамлашган тарихдир. Даҳшатли зилзила фожиа бўлиши билан бирга, шаҳарни кенг кўламда қайта қуриш имконини берди. Бутуниттифоқ миқёсида Тошкентга архитекторлар, муҳандислар, қурувчилар раҳбарлик қилиб, янги ғоялар, технологиялар кириб келди. Ҳукумат шаҳарни тиклаш ва модернизация қилиш учун катта маблағ ажратди, бу эса улкан меъморий лойиҳаларни амалга оширишга туртки бўлди.

Шукур Аскаров Ўзбекистон меъморчилиги генезисини ўрганиш асосида XX асрдаги ривожини асосий тўрт босқичга бўлган ҳолда таҳлил этади. Биринчи босқис комунна босқичига ўтиш сифатида белгиланиб 1917 – 1933 йилларни қамраб олади. Унинг асосий хусусиятлари урбанизм ва дезурбанизм, миллий меъморчилик ва конструктивизм орқали белгиланади. Иккинчи босқич эса 1934 – 1954 йиллар билан белгиланиб Шарқ ва классиканинг уйғунлиги билан таърифланади. Учинчи босқич эса 1955 – 1990 йилларда замонавий меъморчилик, шаҳарсозикнинг ривожи даври сифатида чегерага ажратилади. Олим сўнгги босқич сифатида 1991 – 2011 йилларни ўрганган ва бу жараёнда шаҳарларнинг кенгайиши, уларни сақлаб қолиш масалаларини кўтаради[3]. Ўрганилаётган даврга оид учинчи босқичга оид Шукур Аскаровнинг маълумотлари ушбу мақолани шакллантиришда аҳамиятли бўлди. Унинг 2014 йилда нашр этилган “Генезис архитектуры Узбекистана” китобида қадимги даврдан то замонавий жараёнга қадар Ўзбекистон шаҳарсозлиги ривожига оид катта илмий-таҳлилий материалларни жамлаган. Унда ўрганилаётган даврга оиб маълумотлар жамланган бўлса, 1960 йилларда Совет иттифоқи архитектурасига кириб келган модернизм меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларига жуда кам тўхталган. Асосан муалиф янгиликларни микрорайонларнинг қурилиши, шаҳарсозлик муаммолари кесимида таҳлил этган ҳамда бетон панжаралар ва юзалардан иборат безак тизимига танқидий муносабат билдирган[4].

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликлар совет иттифоқида “темир парданинг” кўтарилиши даври бўлди ва кўплаб мамлакатлар Ғарб малакасини ўзлаштиришни бошлашди. 1930 йиллар боши 1950 йиллардаги классицизмдан воз кечилди ва Ўзбекистон меъморларининг 1954 йилдаги тўртинчи съездида “Биз гўзаллик томондамиз, аммо безакдорликка қаршимиз” деган шиор билан чиқишди. Айниқса 1955 йилнинг 5 ноябрида чиққан “Лойиҳалаш ва қурилишдаги безакдорликни олиб ташлаш ҳақида”ги Умумиттифоқ қарори чиқди[5]. Мамлакат бутун дунёда ривожланаётган модерн меъморчилиги томон юз бурди. Айтиш мумкинки "Совет модернизми" атамасининг ўзи узоқ вақтдан бери мавжуд эмас ва СССРда авангард ва неоклассицизм билан бир қаторда архитектуранинг учта асосий йўналишидан бири сифатида тавсифланади. Моҳиятан совет модернизми 1955 йилдан 1991 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

1970-йилларда Тошкент дадил архитектура тажрибалари масканига, совет модернизми пойтахтларидан бирига айланди. Баъзи тадқиқотчилар буни ҳатто алоҳида атама - "Тошкент сейсмик модернизми" деб аташади. Бу даврда социалистик лагернинг урушдан кейинги архитектураси машҳурликнинг энг юқори чўққисига чиққан эди. Модернизм модаси билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистондаги совет модернизмининг бетакрор бинолари дунёнинг турли бурчакларидан келган тадқиқотчилар ва сайёҳларнинг қизиқишини ошириб, юртимизнинг янги ташриф қоғозимизга айланиб бормоқда.

Совет модернизмининг негизлари Ле Корбюзьенинг брутализмга хос иншоотлари билан боғланади. Ле Корбюзе меъморчилигининг асосий белгилари – замин устидан кўтарилган ҳажмли-блоклар; унинг остида эркин турган устунлар; фойдаланишга мўлжалланган текис том-айвонлар (“томдаги боғлар”), ички қисми кўриниб турувчи “шаффоф” фасадлар (“эркин фасад”); бетоннинг ишлов берилмаган ғадир-будир юзаси; қаватлардаги эркин фазовий макон (“эркин тарх”). Мазкур усуллар аввалари меъморнинг шахсий қурилиш дастури сифатида замондошлари томонидан ғайриоддий ва идрокка зид иншоотлар сифатида қабул қилинган

[3] Аскаров Ш. Генезис архитектуры Узбекистана. – Изд. журнала “San’at”. Т.: 2014, 224 с.

[4] Аскаров Ш. Генезис архитектуры Узбекистана. – Изд. журнала “San’at”. Т.: 2014, 224 с.

[5] https://www.afisha.uz/ru/gorod/2022/06/27/modernism

бўлса, бугунги кун меъморчилиги учун одатий ҳолатга айланган[6].

Меъмор XX асрнинг эллигинчи йилларида совет конструктивизми асосларини қайта ишлаб янгича меъморий стил яратишга муваффақ бўлди. Функционализм замонавий қурилишларнинг асосига айланди. Унда қўлланиладиган асосий материал темир-бетон, шиша ҳамда пўлат. Бетон ва металл конструкциялар меъмор ҳамда муҳандисларнинг ижодий дунёқарашига ўз таъсирини кўрсатди, иншоотларда анъанавий эклектикага зид бўлган янгича меъморий-конструктив ечимлар пайдо бўла бошлади.

Тошкентда 1960-йилларнинг бошидан "халқаро услуб" деб аталадиган модернистик бинолар пайдо бо'ла бошлади. Уларнинг муаллифлари фақат тошкентлик архитекторлар эди. Кейин Марказий универмаг, Чилонзор савдо маркази, "Россия" меҳмонхонаси, "Панорама" кинотеатри модернистик меъморий ечимларда қурилди. Бироқ, Тошкентни совет модернизми пойтахтларидан бирига айлантирган бурилиш нуқтаси 1966 йилги зилзила бўлиб, шаҳарнинг катта қисмини деярли бутунлай вайрон қилган. Кейин уни собиқ Совет Иттифоқининг турли бурчакларидан келган меъморлар ва қурувчилар ёрдамида зудлик билан тиклашга қарор қилинди. Тошкент қиёфасини тубдан ўзгартирган шаҳар ҳодисаси мана шундай юзага келди. Баъзи тадқиқотчилар буни сейсмик модернизм деб ҳам аташади. Мисол учун, немис меъмори Филипп Меузер ўзининг "Сейсмик модернизм. Совет Тошкентининг архитектураси ва уй-жой қурилиши" китобида шундай деб ёзади:

Шубҳасиз, бу қарама-қаршиликлар ва бу иккилик 1966 йилги даҳшатли зилзиладан кейин пайдо бўлган, ўшанда янги шаҳар омон қолган, аммо эскиси харобага айланган. Аммо бу фожиали воқеанинг ижобий томони ҳам бор эди. Тошкент сейсмик модернизмнинг юзига айланди - табиий офат шаҳар тузилишини тубдан янгилашни бошлади. Шундай қилиб, Тошкент шаҳар муҳитини тубдан қайта қуриш ва намунавий қурилиш орқали совет метрополиясини яратишнинг ўзига хос намунасини кўрсатади"[7].

1966 йилдаги зилзила 25 минг гектардан иборат Тошкент генерал планига ўзгартиришлар киритишга сабаб бўлди (Ташгенплан институти: Ю.П.Пурецкий, М.Г.Лифановская, А.И. Ванке). Зилзиладан сўнг шаҳар реконструкциясида қўшни республикаларнинг ёрдами билан Тошкентда янги турар жой массивлари қурилди. Чилонзар турар жой массиви ғарбга қараб, шимолий раён Юнусобод эса шимоли-ғарбий Қорақамиш томон кенгая бошлади. Шунингдек, шимоли-шарқий микрораёнлар, жануби-шарқий томондан Рисовий массив, жанубдан Сергели, жанбуй шарқ томондан эса Кўйлиқ массивлари бунёд этилди. "1970 йилларга келиб 100 минг оила янги квартираларга кўчирилди, 50 та мактаб, 40 та мактабгача таълим муассасалари, ўналб жамоат бинолари қурилди. Асосан тўрт қаватли бинолар барпо этилар эди. 7-9 қаватлик бинолар 10 %, 2 қаватли ҳовлилик уйлар эса 5-7% ташкил этган"[8]. Шунингдек, маҳаллий турар жойлар ўзига хослигини инобатга олган ҳолда Қорақамиш раёнида ва Чорсунинг ғарбий майдонида замонавий маҳалла-микрораёнлар (40 га) ташкил этилди. Бу маҳаллаларнинг тархи тўғри тўртбурчак бўлиб, асосий эътибор "илон изли", тупикка олиб борувчи эски маҳалла тизимини йўқотиш ва транспорт учун қулай йўлларни яратишга қаратилган.

Тошкент модернизми бошқа минтақавий талқинлардан қуйидаги асосий хусусиятлари билан ажралиб туради. Авваломбор меъморлар Тошкентнинг иссиқ иқлимида бинони қуёшдан ҳимоя қилиш ва шамоллатишга алоҳида эътибор қаратишган. Соя ҳосил қилиш ва ҳавонинг табиий айланишини таъминлаш учун катта соябонлар, бетон жалюзлар, тешикли панеллар ва ички ҳовлилардан фойдаланилган. Шунингдек, асосий қурилиш хос ашёси бетон ва шиша каби замонавий материаллардан фойдаланилганига қарамай, меъморчиликда анъанавий ўзбек маданиятига ишора қилувчи унсурлар кўп учрайди. Бу сопол кошинлар, миллий нақшлар туширилган мозаикалар, геометрик нақшлар, панжаралардан фойдаланишда намоён бўлади. Масштаблилик ва маҳобатлилик ҳам Тошкент модернизмининг алоҳида хусусиятидир. Бинолар улкан ўлчамларга ва монументал кўринишга эга бўлиб, бу давлатнинг улуғворлиги ва қудрати ҳақидаги совет тасаввурларини акс эттиради.

"Ўзбекистон" меҳмонхонаси, Халқлар дўслиги саройи ("Истиқлол" санъат саройи), Ўзбекистон Давлат тарихи музейи, Марказий кўргазмалар зали, "Цум" универмаги, Тошкент цирки – булар модернизм меъморчилигининг ёркин намуналари саналди. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос ажралиб турувчи фасад, анъанавий элементлар билан уйғунлашган декоратив элементлар мавжуд бўлиб, иншоотларнинг қайтарилмас қиёфасини белгилаб беради.

Турғунлик йиллари шаҳарсозлик ансамбллари ва индивидуал тузилмаларнинг орқада қолиши билан тавсифланади. Бинолар миллий панжараларига тақлид қилувчи шиша юзалар ҳамда бетон-мармар қуёшдан ҳимоя воситалар билан ўралган (Ўзбекистон тарихи

[6] Энциклопедия архитектурных стилей, Вильфрид Кох. – Москва. 2005.
[7] Филипп Мойзер. Сейсмический модернизм. Архитектура и домостроение советского Ташкента. http://www.designbook.ru/knigi/arhitektura/goroda-mira-strany/seysmicheskiy-modernizm-arhitektura-i-domostroenie-sovetskogo-tashkenta.html
[8] Аскаров Ш. Генезис архитектуры Узбекистана. – Изд. журнала "San'at". Т.: 2014, 133 с.

давлат музейи, 1970 йил, меъморлар - Розанов Э., Шестопалов В., Кричевский В. ва бошқалар) Бироқ, булар энди анъанавий ёғоч конструкциялар эмас эди. Замонавий архитектуранинг ташқи контстукцияси гипсли темир-бетон конструкцияларда оғирлашди. Бу бетон панжаралар бошқа биноларда ҳам қўлланила бошланди, масалан Халқлар дўстлиги саройида такрорланди (1981, меъморлар – Э. Розанов, Ф Ю Турсунов, С.РАдилов ва бошқалар). 9-12 қаватли уйларнинг шу номдаги (ҳозирги Бунёдкор) майдонида. Халқлар дўстлиги саройининг улкан биноси бетонли коробка билан якунланади ва бетон муқарнаслар шиша фасадларни тўсиб турувчи панжара ва карнизлар устини безаб туради. Ш.Аскаров ушбу бетон пажара безагини қуйидагича танқидий таърифлайди. “Буларнинг барчаси каркасдаги, кулранг бетон безаги фожеали драмага ўхшайди ва муваффақиятсиз иш ҳақида тушкун таассурот қолдиради. Ушбу бинода замонавий услуб эскирган ва оғир бўлиб, ижтимоий ва меъморий турғунликни акс эттиради”. Фикрининг исботи сифатида Ш.Аскаров қуйидаги таърифларга асосланади: “Агар Шусев театрида бой пластик анъаналар ҳажмли ечимда ҳал этилган бўлса, Халқлар дўстлиги саройида улар қуёшдан ҳимояловчи кўринишдаги амалий декор сифатида туширилган (Н. Смолина). “Саройни органик архитектура эмас, балки яроқсиз ҳолатдаги ўзига хос миллий қути, футляр сифатида айбланмоқда. (А.Рябушит)”[9].

Афсуски, Тошкент модернизми услубида қурилган кўплаб бинолар ачинарли аҳволда. Зарур консервация ва реставрация жараёнларининг йўлга қўйилмаганлиги, назоратсиз реконструкция ва янги қурилишларнинг таъсири асл кўринишнинг йўқолишига олиб келади. Бугунги кунда ушбу биноларни асраб-авайлаш ва таъмирлаш муҳимлигини тобора кўпроқ одамлар англаб етмоқда. Келажак авлодлар Тошкент модернизмининг ўзига хослиги ва тарихий қийматини баҳолай олишлари учун уни ҳимоя қилиш ва оммалаштириш дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида мунозаралар олиб борилмоқда.

Тошкент модернизми Совет иттифоқи ва Ўзбекистоннинг мураккаб ва кўп қиррали тарихини акс эттирувчи меъморчиликдаги ноёб ва қимматли ҳодисадир. Ушбу меросни асраб-авайлаш ва ўрганиш шаҳарнинг маданий ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу меъморий услуб Тошкентнинг умид, инновация ва дадил меъморий тажрибалар шаҳри бўлган давридан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Askarova, Z., Rakhmatullaeva, A., Khaitbabaeva, K., & Kabilova, F. (2023). Artistic Expression of the Image of Women in Ancient and Medieval Art in Central Asia. SPAST Abstracts, 2(02).
2. https://www.afisha.uz/ru/gorod/2022/06/27/modernism
3. Kobilova, F. History of the Uzbek National Puppet Theater.
4. Kultasheva, N. (2019). Some aspekts of portrain geme of Uzbekistan early XX century. Culture and Arts of Central Asia, 11(1), 80-84.
5. Xakimov A. A, Xayitboboyeva X. P. Badiiy tanqid tarixi va nazariyasi. O‘quvqo‘llanma/T.:“DiMal”nashriyoti-2024.-148bet. https://lib.cspu.uz/index.php?newsid=11669
6. Абдуллаева Ш. К., Абдуллаев М. К. Мосты через времена: влияние узбекского орнамента на восприятие культуры в испаноязычных и европейских странах //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2024. – №. 7. – С. 199-208.
7. Аскаров Ш. Генезис архитектуры Узбекистана. – Изд. журнала “San’at”. Т.: 2014, 224 с.
8. Култашева Н. (2023). Ўзбекистон давлат санъат музеи рангтасвир коллексиясининг электронный каталог платформасини яратиш: истиқболлари ва натижалари. *Научный журнал математических знаний и прикладных исследований*, *1* (01), 33-36.
9. Филипп Мойзер. Сейсмический модернизм. Архитектура и домостроение советского Ташкента. http://www.designbook.ru/knigi/arhitektura/goroda-mira-strany/seysmicheskiy-modernizm-arhitektura-i-domostroenie-sovetskogo-tashkenta.html
10. Энциклопедия архитектурных стилей, Вильфрид Кох. – Москва. 2005.

[9] Аскаров Ш. Генезис архитектуры Узбекистана. – Изд. журнала “San’at”. Т.: 2014, С. 139